

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ФУНКЦИЯЛАРИ**

10.53885/edinres.2022.65.23.073

Маҳмудов Мақсуд Камолович.

**Бухоро давлат университети “Факультетлараро jismoniy madaniyat va sport”
кафедраси докторанти.**

Аннотация: мазкур мақолада акмеологик ёндашув асосида бўлажак jismoniy tarbiya ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ривожлантиришнинг педагогик функциялари мазмуни ва моҳияти ёритилган.

Калит сўзлар: акмеология, ёндашув, бўлажак ўқитувчи, педагогик маҳорат, ижод, мақсад, натижа.

Аннотация: В статье раскрывается сущность содержания педагогических функций развития педагогических навыков будущих учителей физической культуры на основе акмеологического подхода.

Ключевые слова: акмеология, подход, будущий учитель, педагогическое мастерство, творчество, цель, результат.

Тузилма ёки таркиб – бирон-бир нарсанинг ички тузилиши, бирон-бир нарсанинг табиати, қонуниятлари, қисмларининг ўзаро ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган фундаментал, моддий ёки номмодий тушунча маъносини англатади.

Бўлажак jismoniy tarbiya ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантириш тузилмасини тавсифлашнинг илмий методи сифатида классификация методидан фойдландик.

«Педагогик функциялар» кластери

Функция – икки гуруҳ объектларининг ўзаро муносабатлар тизимини англатиб, қайсиқим, бир гуруҳ объектларида бўладиган ўзгаришлар, иккинчи объектни ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Ижтимоий жараёнларда функция мажбурият, фаолият доираси, роль маъноларини англатади.

Н.В.Кузьмина педагогик функцияларни ўқитувчи касбий фаолиятининг таркибий қисми сифатида эътироф этади. Унинг фикрича ўқитувчи ҳаракатининг тузилиши ҳамда кетма-кетлиги педагогик мақсадларга эришиш йўлидаги қатор педагогик вазифаларни ҳал этишда намоён бўлади.

Педагогик тизимларда **гностик, лойихаловчи, конструктив, коммуникатив, ташкилий ҳамда функционал компонентлар** фарқланади. Н.В.Кузьмина томонидан таклиф этилган педагогик фаолиятнинг психологик тузилмаси А.И.Щербаков томонидан тўлдирилиб, ривожлантирилди. А.И.Щербаков ахборот функцияси (ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри ва тесқари алоқа асосидаги ахборот алмашинуви), таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи мақсадларни умумлаштирувчи тарбияловчи-ривожлантирувчи функция (ўқув-тарбия жараёнидаги перцептив, тафаккур ҳамда эмоционал-руҳий ҳолатларни бошқариш), шунингдек, уюштирувчи функция (ўқувчиларнинг билими ҳамда ҳаётий тажрибасини оммалаштириш) ҳамда тадқиқотчилик функциялари (педагогик ходисаларни ўрганишга илмий ёндашув) ни тақдим этди.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси педагогик фаолиятининг функциялари жисмоний тарбия дарсининг ўзига хос хусусиятлари билан ифодаланади, чунки ўқитувчи ўз навбатида мураббийлик вазифасини ҳам бажаради.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик вазифалари ва мажбуриятларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

Коммуникатив функция: ўқитувчи ўқувчиларининг билимларни ўзлаштириш фаолияти бўйича қизиқишлари, қобилиятлари, истеъдоди, темпераменти, ота-оналарининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатларини билиши, тарбияланувчилар билан ҳамфикр бўлиши ҳамда ёш спортчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ҳақида қайғуриши, оммавий маданий тадбирларни ташкил этиши лозим.

Ташкилотчилик функциялари қуйидагиларни қамраб олади: истеъдодларни болаларни кузатиш, танлаш, ўқув-тренировка функцияси, режалаштириш функцияси, ўқув-тренировка жараёнини назорат қилиш, ҳакамлик ва секундатлик.

• Танлаш функцияси организмнинг морфологик, физиологик, руҳий ҳамда жисмоний хусусиятларига доир билимларни билиш, танлаш шакллари ва методлари, воситалари ҳамда принципларини қўллаш олишни назарда тутати. Ўқитувчи мусобақа натижаларини олдиндан

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

билиши ёки башоратлаши, спорт секциялари ўқув-машгулот гуруҳи учун ўқувчиларни танлаш ишларини амалга ошириши лозим.

- **Ўқув-тренировка функцияси.** Ўқитувчи-мураббий томонидан ўқитиш методлари, шакл, воситава усуллар ҳамда принципларини билиш, махсус терминология, яъни атамаларни билиш, ўқувчининг қобилиятлари, характер хусусиятлари, интеллект даражаси, ижодий тафаккур даражаси ҳамда ўқув машгулотларига бўлган муносабатларини ташхис эта олиши, уларга бирмунча самарали техника ва тактик жараёнларни ўргатиши ва маълум бир жисмоний, руҳий хусусиятларни таркиб топтириши талаб этилади.

- **Режалаштириш функциясининг самарадорлиги тайёргарликнинг якуний натижасини кўра билиш, унинг босқичлари мақсад ва вазифаларини англаш ҳамда оралиқ вазифаларни амалга ошириш ва ечимини топишга қаратилган методлар, воситаларни танлашни тақозо этади.**

- **Ўқув-тренировка жараёнини назорат қилиш функцияси жисмоний тарбия ҳамда спортни бошқариш ва назорат қилиш метод, воситаларини билиш ва самарали қўллаш олишни назарда тутади.**

- **Ҳакамлик функцияси мусобақаларни ўтказиш қоидаларини билиши ҳамда ўрни келганда турли ҳакамлик вазифаларни бажара олиш ҳолатини ифодалайди.**

- **Секунданлик функцияси ўқитувчи томонидан ўз ўқувчиларининг салбий ҳамда ижобий сифатларини билиш, эмоционал ҳолатининг ташқи ифодаланиши, мусобақаолди руҳий ҳолатини билиш ва уни бошқариш, шунингдек, ўқувчи учун машқларни бажариш олдиан оптимал кайфиятни ҳосил қилиш вазифаларини белгилайди.**

3. Гностик функция. Ўқитувчи томонидан ўзининг касбий мажбуриятларини амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчининг шахсий сифатлари ҳамда билим, кўникма, малакаларини ўзида ифодалаган тегишли педагогик қобилиятларга эга бўлишини талаб этади.

Шундай қилиб, кластерли тавсиф ўқитувчи педагогик маҳоратини шахснинг ўзига хос хусусиятлари мажмуаси сифатида тақдим этишга имкон яратиб, касбий фаолиятини юқори даражада ташкил этиш, педагогик қобилиятлар ва педагогик фаолият функциялари уйғунлигини таъминлашга ёрам беради.

II. Педагогик маҳоратнинг «Ролли тузилмаси»

Педагогик маҳорат махсус билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаш орқали шакллантирилиб, у ёки бу фаолиятни амалга оширишнинг мукамал метод ва усулларини қўллашда намоён бўлади.

Ўқитувчи қайси бир хусусий вазифаларни ечишидан қатъий назар у доимо педагогик маҳорати даражасини белгиловчи функционал ролни бажаради.

Ўқитувчи педагогик маҳорат даражасини қўйидаги мезонларга асосланган ҳолда аниқлашимиз мумкин:

- Таълим-тарбия жараёнида ўқувчи шахсини рағбатлантириш ва мотивациялаш;
- Ўқувчилар ўқув-тарбия фаолиятини ташкил қилиш;
- Таълимни ташкил этиш мазмунини билиши;
- Ўқув машгулотини тизимли-композицион ташкил этиш.

Педагогик маҳоратнинг энг юқори яъни акмеологик даражаси ўқитувчи томонидан **ижодкорлик функциясини** амалга ошириши ва қўллашида намоён бўлади.

Педагогик маҳорат эгаси ўз касбининг юқори даражада эгаллаб олган катта тажриба ортирган шахсдир. Ижодкорликда эса ёш, ўз ишини эндигина бошлаган ўқитувчи ҳам бўлиши мумкин, аммо у ҳали маҳорат эгаси эмас. Ижодкор шахс ижодкор ўқитувчи бўла олади. Ижодкор шахс олий ўқув юртида ва педагогик жамоа муҳитида шаклланиши мумкин. Ижодкор шахс бўлиш мустақил таълим олиш, ижодий тинимсиз меҳнат қилиш билан боғлиқ. У узлуксиз таълим олиш асносида юқори даражадаги профессионализмни шахсга айланади.

Ижодкорликнинг тўрт даражаси:

- ўз касбига оид билим-кўникма ва малакаларни пухта эгаллаш;
- ижодий тафаккурни ўзида шакллантира олиш;
- ижодкорликни намоён қила олиш қобилияти;
- изланувчанлик, тадқиқотга мойиллик таснифланади.

Юқоридагиларни бараварига намоён эта олиш асносида ижодкор педагог шаклланади. Ижодкор педагоглар авлодининг шаклланиши таълимни креатив инновацион ривожланишига олиб келади. Айниқса, ҳозирги замонда ривожланувчи мактабнинг ўқитувчиси юқори касбий профессионализмга эга бўлиши талаб этилади. Яъни янги авлод ўқитувчиси педагог-изланувчи, педагог-ижодкор бўлиб, ўз педагогик фаолиятида ижодкор шахсни тайёрлаши талаб этилади.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

Умуман олганда, ижодкор ўқитувчи янгича ёндашув ва янги ғоялар асосида янгича билим, янгича тажрибаларни таълимга татбиқ этади.

Хулоса қилиб айтганда касбий маҳорат, педагогик тажриба, билим, кўникма, малакалар, касбий йўналганлик, педагогик қобилиятлар, педагогик техника, умумий маданият даражаси, мулоқот маданияти, эрудиция, кадрятли йўналганлик педагогик маҳоратнинг копонтлари, яъни таркибий қисмларини ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Деркач А.А. Акмеологические основы развития профессионала. М.: Изд-во МПСИ; Воронеж: НПО МОДЭК, 2004. -752 с.

2. Маъмуров Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Монография-Т.:”Фан ва технология”, 2017, 128

3. Педагогик атамалар луғати. // тузувчилар: жамоа. – Т.: “Фан” нашриёти, 2008 йил. Б. 144

4. Махмудов.М.К. Инновацион ёндашув асосида талабаларни интеллектуал – жисмоний ривожлантиришда мантикий топшириқлардан фойдаланиш. Педогогик маҳорат 2019й. 214-218 бет.